



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ МИЛЛИЙ МУДОФАА ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 июль куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси миллий мудофаа вазири Нуреттин Жаниклинни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги алоқалар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик фаоллашганини мамнуният билан таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркия раҳбарларининг 2016 йил ноябрь ойида Самарқанддаги учрашуви ва жорий йилнинг май ойида Пекинда ўтган «Бир макон, бир йўл» халқаро форуми доирасидаги самарали мулоқоти ўзаро серқирра муносабатлар, шу жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга янги суръат бағишлагани қайд этилди.

Сўхбат чоғида ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама этилди. Ўзбекистон ва Туркия Мудофаа вазирликлари ўртасида амалий ҳамкорлик ўрнатиш, жумладан, ҳарбий таълим соҳасида қўшма дастурларни амалга ошириш бу борадаги муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Туркия миллий мудофаа вазири Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга қабул учун самимий миннатдорлик билдирди ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг эзгу тилаklarини etkazди.

Нуреттин Жаникли Ўзбекистонда Қуrollи Кучлар салоҳиятини ошириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларга юксак баҳо берди ва Туркия томони давлатларимиз ўртасида кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

Нуреттин ЖАНИКЛИ:

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНГИ БОСҚИЧДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбек ва турк халқларини қўхна тарих, муштарак қадриятлар ва ўхшаш урф-одатлар бир-бирига боғлаб туради. Кейинги йилларда халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш борасида дадил қадамлар қўйилди.

Бунинг мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси миллий мудофаа вазири Нуреттин Жаникли ЎЗА муҳбирига интервьюсида алоҳида таъкидлади:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашиб, ўзаро муносабатларимизни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдик. Бу учрашув бизни мамнун этди.

Ўзбекистоннинг мудофаа қобилияти мустаҳкам, юқори салоҳият ва бой тажриба эгати. Бироқ муносабатларимизнинг ҳозирги ҳолатини мавжуд имкониятларимиз даражасида, деб бўлмайди. Шу нуқтага назардан Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувда бир-биримизни қўллаб-қувватлаш, амалий ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш, ҳарбий таълим соҳасида қўшма дастурларни амалга ошириш ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдик.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз янги босқичда изчил давом этаётганидан мамнунмиз.

ЎЗА муҳбири
Б.ҲИДОЯТОВ
ёзиб олди.

Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ КЕЛГАН БОҒ

Паркент тумани Гулистон маҳалласида Аминжон ота Мухаммаджонов томонидан яратилган боғ Ватанни севишининг, меҳнатсеварликнинг яққол намунасидир

Боғни топиш унчалик қийин бўлмади. Сўраган одамларимиз «Президент келган боғ» мана бу томонда, дея манзилни кўрсатишди. Дарвоза олдида бизни кўтиб олган боғбон ичкарига бошлади. Тўғриси, бу ерда яратилган мўъжизани ҳамма ўз кўзи билан кўриши керак. Ушанда мамлакатимиз раҳбарининг Аминжон отага берган «Одамнинг қўли гул» деган таърифи нақадар тўғри эканига имон келтиради, киши.

Бу заминда яшнаб турган 20 хилдан зиёд манзарали дарахтлар беихтиёр сизни ўз оғушига тартади. Мусаффо ҳаво, кўм-кўк олам, қатор-қатор бўлиб сафланган дарахтлар ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Ҳали бу ҳаммаси эмас. Ҳар бир дарахтга шундай оро берилганки, уларнинг олдида кетолмай қоласиз.

Машаққатли меҳнат чиниқтирган, қўллари қадқ, серғайрат Аминжон отага қараб, қалбим фахр-ифтихорга тўлади. Бу одамнинг йиллар давомида кунларни тунларга улаб яратган боғи бутун мамлакатга машҳур. Бу ер боққа Президент Шавкат Мирзиёев ташриф буюрди. Боғбоннинг меҳнатига юксак баҳо берди. Барчани ундан ўрнак олишга чақирди. Салкам икки соат давомида боғни айланиб, ундаги дарахтлар, уларни кўпайтириш, юртимиз иқлимига мослаштириш борасида боғбон билан дилдан сўхбатлашди.

— Боғ яратишни 2007 йили бошлаганман, — дейди боғбон. — Бу ер ташландиқ жой эди. Ушанда одамлар ҳайрон қолишган. Дастлаб атрофини ўраб, кейин кўчат ўтказганмиз. Ерни тозалаш, текислаш учун қилган меҳнатимизни ўзим биланман, Аллоҳ қилган. Боғимизда бугун 16,5 минг туп дарахт бор. Кўчатларни синовдан ўтказаман. Ёзининг иссиғи, қишининг совуғига чидаса, уни кўпайтираман. Битта кўчатни уч жойга кўчирамиз.

Шунда бошқа жойга ўтказилса, бехато кўкариб кетади.

Отам Мухаммаджон Йўлдошев боғбон бўлган. У киши: «Мартабанг улуг бўлсин, пиру бадавлат бўл», деб дуо қиларди. Падари бузрукворимнинг илтижолари ижобат бўлиб, Президентимизнинг назарига тушдим. Бунинг учун Яратганга шукр қиламан.

Президентимиз боғни кўздан кечириб, бу ерга катта меҳнат сарф қилинганини айтди. У кишининг «Баъзилар кўчат ўтказиб, бир йилда қуритади. Уни воғга етказиш учун сабр-қаноат, меҳр-муҳаббат керак», деган сўзлари нақадар тўғри эканини ўз тажрибамдан биланман. Шунингдек, ишларини қишлоқ хўжалиги соҳасида ўқётган ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш кераклигини таъкидлади. Дарахтларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида айтганида, тўғриси, ҳайратландим. Бунинг кўпчилиги билмайди. «Қанийди, мамлакатимизнинг ҳар бир маҳалласида сизга ўхшаган одам бўлса, хориждан кўчат олиб келишга эҳтиёж қолмас эди...» Бу таърифдан бошим осмонга етди. Ҳаяжонланганимдан кўзимга қувонч ёшлари келди. Хайрлашаётганида: «Қатта раҳмат, боғингизга яна албатта келаман», деб айтди.

Боғимизда асосан ўғилларим, келинларим, қизларим, кўвларим, уларнинг фарзандлари билан бирга ишлаймиз. Набираларим Аъзам, Мухаммаджон, Имроннинг меҳнат қилишини кўриб, кучимга куч қўшилиди. Арчаларга камданкам ўзим шакл бераман, ҳозир бу иш билан улар шуғулланишади. Аллоҳга беадад шукр, ўтган йили умр йўлдошим билан муқаддас ҳаж зиёратига бориб келдик. Иштиборхон аянғиз билан 50 йилдан ортиқ бирга яшаб, беш нафар фарзандни воғга етказдик. Уларнинг барчаси олий маълумотли, ҳаётда

ўз ўринларини топишган. Тўғриси айтсам, бу ишларни ёлғиз ўзим қилолмасдим. Оиламизнинг аҳиллиги, тотувлиги туфайли боғ бунёд бўлди.

Дарахтларимни ўз фарзандларимдай яхши кўраман. Улар билан сўхбатлашаман, нима кераклигини билиб оламан. Тўғриси, боғдан чиқсам, қон босимим ошиб кетади. Шунинг учун ҳам асосий вақтимни шу ерда ўтказишга ҳаракат қиламан. Бу ерда эрталаб ёмғир ёққандан кейинги ҳаводан нафас олсангиз, баҳри дилнингиз очилади. Соғлиқ учун қони фойда.

Саккиз йил давомида анча-мунча сарф-харажат қилдик. Бу йилдан даромад ола бошладик. Яқин вақт ичида каучук кўчатини олиб келиб ўтказмоқчиман. Бунинг учун аввал интернетга кириб, бу дарахт ҳақида тўлиқ маълумот олоқчиман, яъни қандай об-ҳаво шароитида кўкаришини билмоқчиман. Кучим етганича ҳаракат қилиб, нобд дарахтларни кўпайтириш ниятим бор. Ўзимдан ортганини халққа бермоқчиман.

Боғимизни томоша қилгани кўп одам келади. Бундан жуда хурсанд бўламан. Сўраганларга боғбонликнинг йўл-йўриқларини ўргатаман. Болаликдан табиатга меҳр қўйган одамнинг кўнгли беғубор бўлади. Табиат — табиб, деган ҳикмат бекорга айтилмаган. Бир ниятим бор. Ўзбекистон заминиди ҳар қандай дарахт, гиёҳ кўкаради. Ўзимизда йўқларини ҳам етиштириш имконияти мавжуд. Ватанимиз гулу гулзорга, боғу бўстонга айланишини истайман. Яратган умр берса, бу йўлда бор кучимни сарфлашга тайёрман...

Аминжон ота билан хайрлашаётиб, кўнгилдан бир ният ўтди: бу боққа биз яна албатта қайтамиз, сўхбатимиз давом этади.

Фаррух ҲАМРОЕВ



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ҲОЯЛАРИ ҚОҒОЗДА ЭМАС,
ҲАЁТДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПИШИ КЕРАК

БЎСТОН БЎЛИБ ОЧИЛИШ
ВАҚТИ

www.uzbekistonovozi.uz

Муносабат

ХАЛҚ ИШОНЧINI ҚОЗОНИШ

амалий ишларимизга
боғлиқ

12 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда том маънодаги демократияни ривожлантириш, парламент аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, сиёсий партиялар фаолиятининг таъсир кучини ошириш бўйича муҳим ҳаётий тақдирлар билдирилди.

Бу тақдирларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат? Бу борада парламент аъзолари ҳамда депутатларнинг фикри қандай? Улар ўз фаолиятида бурилиш ясаш учун нималарни режалаштирмоқда?

► Давоми 2-бетда.

ДИҚҚАТ:
ТАҲРИРИЯТ
СЎРОВНОМАСИ

???

ПАРТИЯМИЗ АЪЗОЛАРИ, ЕТАКЧИЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАРГА САВОЛЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида билдирилган тахлилий танқид, белгилаб берилган вазифалар барчаси учун муҳим сабоқ ва амалий дастур бўлди.

Бугун барча даражадаги партиямиз ташилотлари ва депутатларимиз, фаолларимиз маърузани чуқур ўрганишмоқда, тегишли хулосалар чиқариб олишмоқда. Ушбу жараёни янада фаол тус олдириш, фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш мақсадида тахририятимиз сўровномасини ўтказишга қарор қилдик. Қуйидаги саволларга жавоб излаш, ўйлаймизки, фикримизни чархлайди, ўз фаолиятимизга яна бир бор танқидий ёндашиб, хулосалар чиқариб олишга хизмат қилади. Энг муҳими, бугунги ҳаёт талабларига муносиб бўлиш учун биздан нималар талаб этилаётганини англаб олишга қўмаклашади, деб умид қиламиз.

1. Сиёсий партиялар чинакам сиёсий кучга айланоми? Нималарга боғлиқ, қонунларга, жамиятдаги муҳитга, етакчиларгами?

2. Депутатларимиз эл-юрт ишончини оқлаш, сайловчиларни рози қилиш учун қандай иш юритмоғи керак?

3. Сиз партия етакчиси, депутат сифатида бугунги фаолиятингизни Президентимиз маърузасида билдирилган танқидий-тахлилий фикрлар, белгилаб берилган вазифаларга қиёслаб, фикрлаб кўринг, ўзингизга ўзингиз ҳолис баҳо беринг...

Ишингиздайдан қониқасизми? Нима учун? Қониқмасизми? Нима учун?

Ушбу саволларга келган жавоблар сараланиб, газетамизда эълон қилиб борилади. Энг яхши тақлиф билдирганлар «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарига 2018 йил учун тахририят ҳисобидан обуна қилинади.

Изоҳ: сўровномага жавоблар пухта, ихчам, аниқ бўлиши мақсадга мувофиқ. Сўровномада партиямиз экспертлари, олимлар, сиёсатшунослар, талабалар ва барча газетхонлар иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда тақдирларини билдириши мумкин.

Тахририятимиз манзили: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тел/факс: (0 371) 233-65-45, 233-54-55. E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

ХАЛҚ ИШОНЧИННИ ҚОЗОНИШ

амалий ишларимизга боғлиқ



Баҳромжон ОБИДЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:



Қаҳрамон МИРЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Сайловдан кейин кўзга кўринарли қандай ишларни амалга оширдик, деб ўзимизга савол бериб кўрсак, тўғриси, жавоб топишга қийналамиз.

Узоққа бормасдан, баландпарвоз гапларни гапирмасдан, партияимизнинг Сайловолди дастурига эътибор қаратайлик. Унда илгари сурилган гоё ва мақсадларимиз қозғола қилиб кетаврадимиз?

Шу кунга қадар амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилсак, сайловчилар олдида берган ваъдаларимизни бажара олмаганимиз аён бўлади. Чунки назорат тадбирлари расмийлик учун ўтказилганини тан олишимиз керак. Ҳатто айрим ҳолларда парламент эшитувида савол ва жавоблар олдиндан белгиланганлигини бугун афеус билан таъкидлашимиз лозим. Вазирлик ва қўмиталарга муаммоларни шунчаки кўрсатиб ўтиш билан чекланганмиз. Натижада номига муҳокама қилинган масалаларнинг кўп қисми эътиборсиз қолдирилган. Биз ҳисобот учун қарор қабул қилишдан воз кечиш, аниқланган муаммо бўйича албатта ечим топишимиз керак.

Бунинг учун партияимиз дастурий мақсадлари, йўналишларидан келиб чиқиб, вазирлик ҳамда идоралар билан доимий, тизимли ишлашни ташкил қилишимиз, муаммолар ечим бўйича биргаликда иш олиб боришимиз лозим. Йўналишда ҳар бир сиёсий партия дастуридаги вазифалардан келиб чиқиб, назорат қилиши зарур бўлган вазирлик ва қўмиталар аниқ кўрсатиб ўтилди. Хусусан, партияимиз

Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини олиб бориши мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, Сайловолди дастурида УЗбекистон Халқ демократик партияси янги иш ўринлари ташкил этиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражасини ошириш бўйича амалга оширилаётган мақсадли чораларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, деб эътибор қилинган. Партияимиз фикрича, аҳоли бандлиги соҳасидаги сиёсатни такомиллаштиришнинг устувор йўналиши меҳнатга лаёқатли аҳолини корхоналарда муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан самарали таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим. Буларнинг сирасига, биринчи навбатда, юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги корхона ва ташкилотлар киради. Ушбу соҳаларга мамлакатимизда мавжуд бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омил ҳисобланади. **Бир қарашда қозғола ҳаммаси чиройли ва ўрнида. Лекин бу ишларни қандай қилиб амалга оширсак бўлади, деган саволга партияимизда жавоб йўқ.**

Партияимиз гоёларига муштарак ҳолда мазкур вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари билан доимий ҳамкорлик ўрнатишимиз, уларга ҳақий тақлифлар беришимиз лозим.

Бунинг учун ишимизни ҳар томонлама пухта ташкил қилишимиз, расмийлик кайфиятига барҳам беришимиз зарур.

— Йўналишда ижро ҳокимияти идоралари фаолияти устидан назорат қилишда давлат раҳбарининг энг яқин қўмақчиси сифатида депутат ва сенаторлар эътироф этилди. Бу юксак ишончни оқлаш эса ҳар биримиздан виждонан ишлашни, фаолиятимизни танқидий-таҳлилий жиҳатдан қайта кўриб чиқишимизни талаб этади. Шу нуқта назардан буғун биз йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳақида жиддий бош қотирапмиз.

Партия ташкилотлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган мурожаатлар ҳамда жойларда аҳоли вакиллари билан ўтказилаётган учрашувларда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ечимини кутаётган муаммолар оз эмаслиги кўринмоқда. Бу бевосита партияимиз дастурий мақсад ва вазифаларига боғлиқ масалалар.

Ортимизнинг барча ҳудудларида замонавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуришга қаратилган кенг қўламли дастурлар одамларнинг турмуш тарзига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу ишларни изчил давом эттириш билан бир қаторда, уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, бунинг учун зарур бўлган муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмани жадал тараққий топтириш зарур.

Шундан келиб чиқиб, партияимиз давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари учун ижтимоий уй-жой фондидан ташкил қилишнинг аниқ механизми яратиш керак, деб ҳисоблайди. Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилмалар, шу жумладан, турар-жой ва жамоат бинолари, транспорт коммуникацияларидан

бемалол фойдаланишлари учун шароитларни яхшилаш, шунингдек, аҳоли пунктлари, бино ва иншоотларни ногиронлар учун мослаштирган ҳолда лойиҳалаштириш билан боғлиқ масалалар ҳам партияимиз дастуридан ўрин олган. **Бу масалалар қанчалик муҳим бўлмасин, ташаббус кўрсатмасак, улар қозғола қилиб кетавради.**

Кўриниб турибдики, бу йўналишда ҳам олдимизда қатор вазифалар турибди. Шу ўринда савол туғилади: соҳадаги мавжуд муаммоларни депутатлар билмасмиди? Албатта, ҳаримиз бор эди. Муаммолар доимий комиссиялар, сессияларда муҳокама қилинган. Тегишли ташкилот ва идора раҳбарларига депутатлик сўрови юборилган. Лекин **кўпчилик сессияда қарор қабул қилдик, депутатлик сўрови юбордик, қолгани мутасадди ташкилотнинг ўзига ҳавола, деган хулоса билан кифояланиб қолмоқда.**

Шунинг учун партияимиз фракцияси вазирлик фаолияти устидан, маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз гуруҳлари эса вазирликнинг жойлардаги бошқарма ва бўлимлари фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиши лозим. Бундай иш тизими партияимизга ҳам, вазирликка ҳам ёрдам беради.

Дастурида белгиланган вазифалар билан ўзимиз шуғулланмасак, бу ишни ким қилади?..

Муаммолар бор, уларни ҳал қилиш ҳукуматнинг вазифаси, деб ўйласак, катта хатога йўл қўямиз, одамлардан, ҳаётдан узоқлашамиз, ишончни йўқотамиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

Маҳаллий Кенгашлар сессияларида

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июль кўни пойтахтимизда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги «Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак» мавзусидаги маърузасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК ЗАРУР

Видеоселектор алоқа воситасида ташкил этилган сессияда вилоят Кенгаши депутатлари билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар вилоят кенгашлари раислари, вилоятдаги давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар Кенгашлари депутатлари, ҳудудий партия ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар вакиллари иштирок этди.

Сессияга тайёргарлик доирасида Президентимиз маърузасида белгиланган устувор вазифаларнинг Самарқанд вилоятида ижросини таъминлаш юзасидан Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари ва депутатлари, сиёсий партиялар вилоят кенгашлари фаолияти, шунингдек, вилоят тиббиёт соҳасидаги муаммолар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар ҳолати ўрганилди.

Муҳокама жараёнида ўрганиш натижалари атрофича таҳлил этилиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, аҳоли билан доимий мулоқотни самарали йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Чунки, аксарият ҳудудий партия ташкилотларида иш режаси ҳам мавжуд эмас, борларида эса уларнинг ижроси ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Партия ташкилотлари томонидан ҳисоботлар ҳудуддаги муаммоларга доир, аниқ таҳлилларга асосланган ҳолда тузилмасди. Доимий комиссиялардан келган тушулурлар, ўтказилган тадбирлар ва ундаги иштирокчилар сони каби рақамларга боғлиб қолган.

Ҳудудий партия ташкилотлари ва тегишли депутатлик гуруҳлари ўртасида ҳамкорлик қонирсиз аҳволда. Жумладан, айрим депутатлар ўзини тавсия қилган сиёсий партия ва сайловчилар билан алоқани бутунлай узиб қўйган.

Вилоятдаги ижроия ҳокимияти органлари томонидан депутатларнинг сўровларига ўз вақтида ёки умуман жавоб бермаслик ҳолатлари учрайди. Туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ва доимий комиссияларда сессия кун тартибига масала қилиштириш бўйича ташаббускорлик етишмапти. Доимий комиссиялар ўз ваколати ва фаолият йўналиши хусусида тўлиқ тасаввурга эга эмас.

Тадбирда вилоят ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тиббиётни ислоҳ қилишга доир фармон ва қарорлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида мутасадди идоралар раҳбарларининг ахбороти эшитилди. Ушбу соҳаларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар атрофича таҳлил қилиниб, уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Т.Жўраев сўзга чиқди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ АСОСИДА

Урганчада халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, сиёсий партиялар, турли ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган тадбирда Президентимизнинг 2017 йил 12 июль кўни ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги «Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак» мавзусидаги маърузасида белгиланган устувор вазифалар ижроси муҳокама этилди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, одамларни қийнаётган муаммоларга ечим топишнинг замонавий механизм ва самарали усуллари жорий этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишига айланди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёни изчил давом эттирилмоқда. Бунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва сиёсий партияларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Уларнинг иш услубини тубдан ўзгартиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Сессияда билдирилган танқидий фикрлар сиёсий партияларнинг вилоятдаги ташкилотлари, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида фаолият юритаётган партия гуруҳларига ҳам бевосита тегишли экани, бу борада мавжуд камчиликларни бартараф этиш лозимлиги таъкидланди.

— Депутат давлат ва халқ ўртасидаги кўприқдир, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Р.Собиров, — Бинобарин, у аввало, давлат сиёсатининг моҳиятини, амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг аҳамиятини кенг тушунириш, одамларнинг дардини тинглаш, муаммосини давлатга етказиши лозим. Шу муаммонинг тегишли органлар томонидан қандай бартараф этилаётгани устидан таъсирчан назорат ўрнатиши керак. Биз маърузада билдирилган фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, янада ташаббускор ва фаол бўлишимиз шарт.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ш.Раҳмонов, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ф.Ҳойилов ва вилоят ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Ш.Ҳужаниёзовнинг ҳисоботи тингланди.

Сессияда Хоразм вилояти ҳокими П.Бобононов сўзга чиқди.

А.ШОКИРОВ,
ЎЗА мухбири.

Электорат манфаати

«Ҳар бир болага меҳр-эътибор!»

лойиҳаси давом этмоқда

ЎЗХДП Бухоро вилояти ва шаҳар кенгаши фаоллари, депутатлар 32-меҳрибонлик уйига боришди.

— Вилоят туман ва шаҳар Кенгашларида партияимиздан сайланган 104 нафар депутат фаолият кўрсатади, — дейди ЎЗХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Робия Содиқова. — Уларнинг ҳар бирига мазкур меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари бириктирилди. Эндликда депутатларимиз ўз қарамоғидаги бола учун масъул ҳисобланади. Уларнинг ўқишдан тортиб, соғлиғи, қизиқишларидан хабардор бўлиб туради. Китоблар совға қилади. Кўнглига йўл топишга, муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради. Энг муҳими, муассаса билан муштақам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилади.

Тадбирда сўзга чиққан Бухоро шаҳар ҳокими Иштиёр Фармонов ҳар бир боланинг тақдири ҳақида қайғуриш, улар учун барча шароитлар яратиш кераклигини таъкидлади.

— Боланинг бегонаси бўлмайди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши



депутати Собир Қурбанов. — Уларнинг кўзларига боқиб, беғуборлиқни кўрасиз. Бу ташаббусни депутатлар билан биргаликда қўллаб-қувватладик. Президентимиз Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экология фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий таҳлил қилди. Уларни тинглаб, ҳар

биримиз эскича дунёқараш ва иш услубларидан бутунлай воз кечиш вақти келганини англадик. Мамлакатимиз тараққиётида янги давр бошланганини тушуниб, дилдан ҳис қилдик. Бунга жавобан ишимизни янгича ёндашув асосида такомиллаштиришга қарор қилдик. Хусусан, менга бириктирилган болаларни кураш билан шуғулланишга жалб қилмоқчиман. Келажакда улар орасидан

чемпионлар етишиб чиқишига ишонаман.

— Бундай тадбир болаларнинг ёдида бир умр қолади, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Саида Шарипова. — Болаларга эътибор келажакимизга эътибордир. Бунинг замирида ҳаётни, унинг давомийлигини асраб-авайлаш мақсади ётади. Партиянинг ташаббусидан болажонларимиз хурсанд. Айни чоғда кўпгина ўқувчиларимиз дам

олиш оромгоҳларида хордик олишмоқда. Уларни ҳам депутатларимиз билан албатта таништирамиз.

— Меҳрибонлик уйимизга келган опа, акаларимизни кўриб хурсанд бўлдик, — деди 13 ёшли Маҳлиё Пулатова. — Бу ерда бизга қулай шарт-шароит яратилган. Кутубхонамиз бор. У ерда қизиқарли бадий китоблар кўп. Менга бириктирилган депутат опадан янги чиққан Ўзбек халқ эртаклари китобини олиб беришларини сўрадим.

— Опа-ука Интизор ва Фарҳодни қарамоғимга олдим, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, вилоят Кенгаши депутати Раззоқ Остонов. — Суҳбатлашиш мобайнида билдимки, уларнинг орзулари, режалари кўп. Улар мендан турли ўйинчоқларни эмас, дугат ва бадий китоблар олиб беришимни сўрашди. Бундан жуда қувондим, қаттиқ таъсирландим.

Мазкур амалий тадбир ҳаммада катта таассурот қолдирди.

Маҳлиё АЛИҚУЛОВА
тайёрлади.

Кўпчилик депутатлар сессияда қарор қабул қилдик, депутатлик сўрови юбордик, қолгани мутасадди ташкилотнинг ўзига ҳавола, деган хулоса билан кифояланиб қолмоқда.



HARAKATLAR STRATEGIYASI

2017-2021

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙТИРИЛАДИ, ҲИМОЯ КАФОЛАТЛАНАДИ

Ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқаролар имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ишбилармонлик муҳитини яратиб ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган 60 дан зиёд чора-тадбирлар кўзда тутилган бўлиб, улар босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Дилшод АБДУАЗИЗОВ билан муҳбиримиз ушбу масалалар ҳусусида суҳбатлашди.

— Аввало, ишбилармонлик ва тадбиркорликни ҳимоя этишнинг ҳуқуқий асослари, яратилаётган имтиёзлар ҳақида тўхталсангиз.

— Бугунга қадар юртимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни яхшироқ келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 3 қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 дан ортиқ фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 25 қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларида мувофиқ, микрокредитлаш учун қамраб олинган шахслар орасида ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган жисмоний шахслар, меҳнат органларида рўйхатга олинган банд бўлмаган фуқаролар, оилавий ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган аҳоли, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тавсияномалари бўйича ишга жойлаштиришга эришмайдиган бошқа шахслар микрокредитлар суммаси энг кам иш ҳақи (ЭКИХ)нинг 200 баробарига асосий қарзни тўлаш учун 6 ойлик имтиёзли муддат билан 3 йилгача, яратган янги иш жойи сонига қараб, 6 фойздан 9 фойзгача кредит олиш ҳуқуқларига эга бўлдилар. Яъни, қўлида етарли маблағ бўлмаб туриб, иш бошлаётган ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларга кредит олиш масалаларида ҳам янгиланган кўзда тутилган.


Бундан ташқари, янги рўйхатдан ўтган юридик шахс ташкил этилган тадбиркорлик

субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш механизми соддалаштирилди. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъминот турлари билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафилиги асосида ҳамда узоқ ва боғлиқ қийин бўлган, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудларда имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан ЭКИХнинг 20 баробаридан 100 баробаригача миқдорда

Президентимизнинг 2017 йил 23 февралдаги қарори билан Идоралараро комиссиялар ташкил қилиниши натижасида республикаимизда қарийб 3,5 мингта фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш объектлари аниқланди. Бу ҳали шунча фойдаланилмаётган имкониятларимиз мавжудлигини аниқлади.

микрокредитлар ажратиш йўлига қўйилди. Шунингдек, 2021 йилнинг 1 январигача рўйхатдан ўтган ва алоҳида фаолият турлари билан шуғулланадиган тадбиркорлар микрокредитларни расмийлаштиришда (ЭКИХнинг 20 ёки 60 баробаригача) 6 ой муддатга қатъий белгиланган содда тўловларидан озод этилди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва



ҳисобга қўйиш кечаю кундуз Интернет тармоғидаги Давлат интерактив хизматлари ягона порталига интеграцияланган тизим орқали амалга оширилмоқда. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, шу

комплекс доирасида олиш имкониятини яратиш йўли билан «ягона дарча» марказлари орқали қўғоз шаклида берилмайдиган махсус бланкалардаги рухсатнома ва лицензияларни мажбурий расмийлаштириш талаби 2018 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинадиган бўлди.

— Яқинда Савдо-саноат палатаси тизими тубдан ислох этилди. Бундан қўзғалangan мақсад ҳақида кенгроқ тушунча берсангиз.

— Тўғрисики айтиш керак, айрим тузилмаларда иш юртиш усули давр талабидан анча ортда қолиб кетаётган эди. Шунинг учун бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштириш зарурати туғилди. Хусусан, Савдо-саноат палатаси тизими тубдан қайта ислох этилиб, унга мувофиқ палата меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тўғрисидаги ҳулосани бериш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди.

Бундан ташқари, назорат органлари томонидан режалаштирилган текширувлар ҳақида аввалдан Савдо-саноат палатасига хабар берилиши, шунингдек, давлат органлари, жумладан, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳузурида ташкил этиладиган жамоат маслаҳат кенгашлари таркибига Савдо-саноат палатаси вакиллари-нинг киритилиши тартиби

бузишга уриниш ҳоллари тез-тез рўй бериб туради. Товарларни қимёвий таркиби асосида текши-

жорий этилди. Энг муҳими, эндиликда палата жинойи ишлар бўйича амалиётда жамоат ҳимоячилари сифатида иштирок этиш, қолаверса, давлат органларининг ваколатли шахслари қарорлари, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоятлар бўйича тадбиркорлик субъектлари номи-дан суд жараёнининг исталган босқичида иштирок этиш, шунингдек, шикоят аризалари билан бир қаторда апелляция, кассация шикоятлари, аризалар, жумладан назорат тартибидан рад этиш тўғрисидаги хатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Эндиликда палата таркибидан вилоятлар марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида, туманлар ва шаҳарлардаги бўлимлари билан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилади.

Бундан қўзда тутилган асосий мақсад — тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланishi, ахборот таъминоти, давлат хизматларидан фойдаланишда қўмқ бериш, бизнес-режалар ишлаб чиқиш, шунингдек, лизинг, суғурта ва баҳолаш хизматларидан фойдаланиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш каби қўллаб-масалаларда қўмқлашишдан иборатдир.

— Замон шиддат билан ўзгармоқда. Бугунги тезкор ислохотлар тадбиркорликка янада кенг эркинлик ва имконият беришни талаб этмоқда, назаримда.

Сўнгги пайтларда қўллаб-қарорлар қабул қилинганга қарамай, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида тўсиқлар ҳали ҳам мавжуд. Бу ҳақда Президентимиз жорий йилнинг 4 июлида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг айрим комплекслари йиғилишида ҳам алоҳида қайд этиб ўтди. Бу ҳусусда ҳам ўз фикрингизни билдирсангиз.

— Ҳали бу борада қиладиган ишларимиз жуда кўп. Масалан, биргина ер ажратиш масаласи бўйича оз эмас, кўп эмас, 8 та алоҳида тартиб-нинг мавжудлиги, бу ҳам етмагандек, ушбу масала бўйича 19 та идоранинг рухсати ёки қелишуви талаб этилишининг ўзиёқ тадбиркорлик субъектлари учун қулай бизнес муҳит ҳақида гапиришга ҳали эрта эканлигидан далолат беради.

Шу боисдан, вазирлигимиз томонидан кичик бизнес, хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятидаги барча муаммоларни батафсил таҳлил қилиб, илгар ҳалқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда бу соҳа ривожига кескин туртки берадиган тақлифларни ишлаб чиқишга киришилди. Вазирлик сайтида, қолаверса, оммабоп интернет-нашрлар ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали тадбиркорлар билан бевосита мулоқот ўрнатилиб, уларни қийнаб келатган муаммолар масалаларининг туб моҳиятига етиб бориш, эркин бизнес фаолияти йўлида гов бўлиб турган турли бюрократик тўсиқларни узиш-кесил бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Айни пайтда вазирлигимиз ва ҳудудий бўлимларимиз ходимлари ҳар кун тадбиркорлар билан бевосита юзма-юз мулоқот қилиб, уларнинг фикрларини ўрганиб боришмоқда.

Бу жараёнда тадбиркорларимизнинг фаол иштирок этаётганлари, айниса, қувонарлидир. Утган қисқа давр мобайнида юздан зиёд тақлифлар келиб тушганини эътироф этиш зарур. Тадбиркорлик қанча ривожланса, шунча кўп иш ўринлари яратилади. Бандлик муаммосига ечим топилди. Буларнинг барчаси халқимиз манфаатига хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Обиддин МАҲМУДОВ
суҳбатлашди.

РАНГ-БАРАНГ
ДУНЁ

ФАВВОСЛАР

4 тонна олтин топди



Британиялик фаввослар Иккинчи жаҳон уруши йилларида Исландия соҳиллари яқинида чўқиб кетган Германия кемасидан катта миқдорда олтин топди.

Қимматбаҳо металл Жанубий Америка банкларидадан олингани тахмин қилинмоқда. Топилма қиймати 100 миллион доллар деб баҳоланмоқда.

Кема 1939 йил сентябрида Бразилиядан Германияга кетган чоғда Исландия соҳилларидан 190 километр нарида гарқ бўлган. Тахминларга кўра, Буюк Британия флоти кемани пайқаб қолгани учун чўктирилган бўлиши керак.

ТЕМИР ЙЎЛ
ҚАТНОВИ

қисман тўхтатилди



Хитойнинг Харбин шаҳридан қатор йўналишлар бўлиб темир йўл қатновни қўйиш Цзинь провинциясидаги zilзиладан сўнг қисман тўхтатилди.

Хитой сейсмологик марказининг хабарига кўра, 4,9 магнитудали zilзила 23 июль, яқинба кун маҳаллий вақт билан соат 7:13 да Харбин шаҳридан 153 километр узоқликдаги Суньшоань шихида юз берди.

Ерошти силкинишидан сўнг Харбин темир йўл расмийлари фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш режасини амалга оширди. Жумладан, Харбин-Пекин ва Харбин-Манчжур йўналишларида юқори тезликдаги йўловчи поезди тўхтатиб қўйилди.

ТИНЧ
ОКЕАНДАулкан сузувчи чиқинди
уюми аниқланди

Чиқинди уюмининг кенглиги бир неча минг километрни ташкил этади. Хабарларга кўра, бу ҳудуд 30 йилдан бери тозаланмаган.

Орол сифатида шаклланган чиқинди уюмининг асосий қисми минглаб тонна пластик идишлардан иборат. Мутахассислар чиқинди майдонини Алеска ҳудудига тенглигини айтишмоқда. Турли жойлардан ташланган чиқиндиларни океан тўқинлари бир жойга тўплаган. Оқибатда бу ерда чиқинди ороли юзага келган.

Маълумотларга кўра, Тинч океанининг жанубий қисмида ҳам яна бир ана шундай чиқинди «орол» аниқланган.

Олимларнинг таъкидлашларича, Суздаги бу чиқиндилар денгиз жониворларига зарар етказиши мумкин.

Тинч океанининг жанубий қисмидан топилган чиқинди уюми 2011 йилда ўтказилган текширувлар вақтида аниқланмаган.

Интернет материаллари
асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯРАТИЛГАН ЯНГИ ФАН

«Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясининг 11-томи, 451-саҳифасида «Товарларни қимёвий таркиби асосида таснифлаш ва сертификатлаш» фанига алоҳида боб ажрати-либ, унга кенг таъриф ва шарҳ берилган. Бу бежиз эмас. 1997 йил-гача қимё фанлари соҳасида дунё-дан олган 19 ихтисослик бўлиб, уларга Европанинг 9 давлати — Англия, АҚШ, Россия, Италия, Германия, Франция, Австрия, Швеция, Нидерландияда асос солинган. 1997 йили ихтиро қилинган 20-қимё фани — «Товарларни қимёвий таркиби асосида синфлаш ва серти-фикатлаш» салкам бир асрлик та-наффусдан кейин Ўрта Осиё рес-публикалари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда, таникли ўзбек олимлари — қимё фанла-ри доктори, Республикада хиз-мат кўрсатган ихтирочи, айни вақтда Андижон давлат универ-ситети профессори Иброҳимжон Аскарлов ҳамда техника фанлари доктори, академик Тўхтапўлат Рискиев (марҳум) илмий ҳамкор-лигида яратилди. Бу далил Ўрта асрлардаёқ ватанимиз ҳудудларида илм-фан бежиз юксакликка кўтарил-магани ва бу жаҳоншумул тарихий анъана ҳамон давом этиб келаётган-лигининг исботидир.

Ҳар қайси фанда кашфиёт, ихти-ролар кўп бўлиши мумкин. Лекин уларнинг қиммати, аҳамияти, авва-ло ўша ихтиро ё кашфиётнинг ҳаёт-га — амалиётга татбиқ этилиши-ю, илм-фан ривожига, жамият тарақ-қиётига, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига, эл-юрт фаровонлиги-га қўшама ҳиссаси билан белги-ланади ва баҳоланади. Шу жиҳат-лардан олиб қараганда, Ўзбекис-тон Республикаси Вазирлар Маҳ-камаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан маъ-қулланиб, Ўзбекистон фан ва тех-ника Давлат қўмитасининг 1997 йил 15 июлдаги 14-қарори асосида 02.00.22. шифри (2015 йилдан 02.00.09 га айлантирилган) билан дунё қимё фанлари қаторидан жўл ол-ган янги ихтисосликнинг мамлака-тимиз халқ ҳўжалигига келтираёт-ган иқтисодий самараси жуда ул-кандир.

Маълумки, мамлакат ҳудудига кираётган ва четга чиқаётган ҳар қандай моддий бойлик — товар-ашёлар давлат божхонасида қону-ний равишда тафтиш-назоратдан ўтказилади. Ушбу жараёнда кўпин-ча фирибгарликлар, кўзбўямачи-ликлар содир этилиб, давлат ха-зинасига зиён келтирадиган, мавжуд тартиб-қоидаларни қасддан

бузишга уриниш ҳоллари тез-тез рўй бериб туради. Товарларни қимёвий таркиби асосида текши-



2016 йилнинг ўзида
29 миллиард 634
миллион 600 минг
сўмни, кейинги 9 йил —
2008-2016 йиллар
мобайнидаги тушум эса
100 миллиард сўмдан
ортиқни ташкил этган.
Рақамлар бу борадаги
иқтисодий фойда
қўламининг нақадар
катта эканлигини
кўрсатиб турибди.

рувдан ўтказиш ана шундай сал-бий ҳолатларга, масалан, қонуний бож ҳақини назоратчилар назари-дан яширишга, бу борадаги ан-галашилмовчилик, ортиқча бахс-му-нозараларга, зиддиятларга чек қўйилишига хизмат қилади. Шу би-лан бирга, хорижий давлатлардан мамлакатимиз ҳудудига сифатсиз,

инсон саломатлигига зарарли бўлган маҳсулотлар кириб келиши-нинг олди олинади.

Яна ҳам аниқроқ қилиб айтила-ди, бу борадаги иқтисодий фойда қўламининг нақадар катта эканлигини кўрсатиб турибди. Демак, божхона тўловлари товарларга қўйилган код рақамларига қараб белгиланади, кодларнинг тўғрили-гини назорат қилиш орқали тўло-влар ундирилишининг ҳақиқийлиги ва қонунийлиги таъминланади. Фирибгар айнан ана шу кодларни ал-маштириб, божхона ходимларини қалғитишга, тўловни қамайтириш-га уринади. Худди шу жойда ушбу кодлар товарларни қимёвий тарки-би асосида синфлаш масаласига ой-динлик киритишга ёрдам беради. Биргина Республика Давлат бож-хонаси Марказий илмий лаборато-рияси ходимлари томонидан ана шу усулда бож ундириш ҳисобига дав-латимиз бюджетига туширилган қўшимча бож маблағлари 2016 йилнинг ўзида 29 миллиард 634 миллион 600 минг сўмни, кейинги

9 йил — 2008-2016 йиллар мобай-нидаги тушум эса 100 миллиард сўмдан ортиқни ташкил этган. Ра-қамлар бу борадаги иқтисодий фойда қўламининг нақадар катта эканлигини кўрсатиб турибди.

Олий ўқув юртлари ва бошқа му-ассасаларда мазкур ихтисослик бўйича тадқиқотчилар, фан номзод-лари, фан докторлари фаолият олиб боришлари ҳисобига соҳа қўлами кенгайиб бормоқда.

Давлатимиз ҳазинасининг бой-лишига, демакки, эл-юрт фаровон-лигининг юксалишига хизмат қила-ётган муҳим ихтисослик иходкор-ларига халқимиз номидан ташак-курлар айтсак, улар билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Зеро, янги фан мамлакатимизга иқтисо-дий жиҳатдангина катта фойда кел-тириб қолмасдан, айни вақтда, ёш ва навқирон Ўзбекистонимизнинг дунёнинг ҳар жиҳатдан ривожлан-ган, энг нуфузли мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаши-ни ҳам таъминлаётган омиллардан биридир.

Қамчибек КЕНЖА,
ёзувчи, Андижон давлат
университети фахрий
профессори.

Тадбиркорлик қанча ривожланса, шунча кўп иш ўринлари яратилади. Бандлик муаммосига ечим топилади. Буларнинг барчаси халқимиз манфаатига хизмат қилади.

БОЛАНИ КИТОБ ЎҚИШГА ЎРГАТИНГ

Бунинг учун энг аввало, ота-онанинг ўзи китоб ўқиши керак

Ўқиш ва ёзиш инсон кўнглини кўтариш мақсадида ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг табиат билан курашидаги дастлабки ихтироси сифатида вужудга келган. Масалан, булар сирасига олов, дастлабки тош болта, бугли двигатель, электр лампочкаси, трактор, телевизор, космик кема, компьютер, уяли телефон ва бошқаларни киритса бўлади. Тадқиқотларга кўра, ўқиш — бу инсоният руҳий дунёсининг таянч манбаси бўлса, ёзиш — келажак авлодга ғамхўрликнинг энг олижаноб шакли экан...

Шундай қилиб, китоб ўқиш ва ёзишни ўрганиш биз ўйлаганчалик оддий нарсалар эмас экан. Китоб мутулааси жараёни самарали бўлиши учун у дастлаб китобхонни қизиқтириши зарур, яъни китобга нисбатан мотивация ва мотив бўлиши лозим.

Болани китоб мутулаа қилишга ўргатишнинг энг асосий йўли — бу барча оила аъзоларининг китоб ўқишга, китоб сотиб олишга, уни қадрлашга, ўқилган китобни биргаликда муҳокама қилишга бўлган қизиқишидир. Оилада китоб ўқиш муҳити ҳукм суриши лозим, шундагина бола машаққатларсиз, ортиқча ташвишларсиз мутулаа қилишга қизиқади.

Инсон китобга ёки турли соҳаларга бўлган қизиқишини доимо ривожлантириб бориши зарур. Қизиқувчанлик маълум даражада ўзини ўзи тарбиялашнинг натижаси ҳисобланади. Қизиқувчанлик асосида эса эҳтиёжлар ётади. Психологияда эҳтиёжлар барча фаолият турларининг (ўйин, ўқиш, меҳнат) ҳаракатга



ундовчи кучдир. Эҳтиёжга боғлиқ ҳолда мотив пайдо бўлади, мотив ўз навбатида мақсадга айланади, мақсадга эришиш учун эса инсон ҳаракат қилади, бу ҳаракатлар ўз навбатида фаолиятни ташкил қилади.

Ҳаракатлар икки хил, яъни **ички** ва **ташқи** ҳамда бир-бири билан доимий боғлиқликда бўлади. Ички ҳаракатлар ташқига айланган жараён психологияда **экстериоризация** дейилади, шунингдек, ташқи ҳаракатлар ичкига айланган жараён **интериоризация** деб аталади. Мисол учун айтайлик, мотив асосида болада китоб ўқиш эҳтиёжи, яъни ички ҳаракат пайдо бўлади. Унинг китоб дўконига ёки кутубхонага бориши ва китоб ўқиши ташқи ҳаракатга киради. Китоб ўқиш орқали руҳий дунёси бойиган болада яна ички ҳаракатлар пайдо бўла бошлайди. Ва мазкур жараён шу тахлит давом этади...

XX асрнинг 50-йилларида гуманистик психология йўналишида илмий тадқиқот ишлари олиб борган америкалик машҳур психолог-олим **Абрахам Маслоунинг** фанга киритилган «Эҳтиёжлар иерархияси, яъни шахснинг ўзини ўзи актуаллаштириши» номли назарияси шу кунга қадар кўплаб мунозара ва илмий тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда. Маслоу инсоннинг барча эҳтиёжларини 5 поғонага бўлади ва уни пирамида кўринишида тақлиф қилади.

Пирамиданинг энг пастки, 1-поғонасида шахснинг инстинктлар даражасидаги табиий эҳтиёжлари ётади. Булар физиологик эҳтиёжлар — овқатланиш, еб-ичиш, дам олиш, ухлаш, насл қолдириш ва ҳоказо.

Иккинчи поғона — ўз-ўзини ҳимоя қилиш, хавфсизликка бўлган эҳтиёжлар — яхши яшаш учун меҳнат

қилиш, ўқиб касб-хунар эгаллаш, уй-жой, хусусий мулкка эга бўлиш ва ҳоказолар.

Учинчи поғона — севги-муҳаббат, оила қуриш, дўстлар орттириш, яқин қариндошлар билан муносабатни йўлга қўйиш эҳтиёжлари.

Тўртинчи поғонага инсоннинг ҳурмат-иззатга, диққат-эътиборга, обрў топишга, мансабга бўлган эҳтиёжлари киради.

Нихоят, пирамиданинг чўққиси, 5-поғонаси инсоннинг ўзини актуаллаштириш эҳтиёжлари билан боғлиқ. Бунга билимни кенгайтириш, доимо изланишда бўлиш, ўзини ўзи тарбиялаш, ўзига баҳо бериш, руҳий оламни бойитиш кабилар киради.

Абрахам Маслоу назариясига мувофиқ инсон бутун ҳаёти давомида ана шу поғоналардан ўтганидан сўнг, эҳтиёжлари қондирилганидан кейин етуқликка эришар экан. Демак, китоб ўқиш — энг юксак эҳтиёжлар сирасига кириб, инсоннинг руҳий дунёсини бойитишга олиб борадиган йўлдир.

Энг асосийси, китоб ўқиш меҳнатнинг бир тури ҳисобланади. Мутулаа қилиш учун боланинг диққати жамланган, идроки барқарор, хотираси ихтиёрий, тафаккури тушуниш, таққослашга йўналтирилган бўлиши керак. Яъни китоб ўқиш боланинг асаб тизими фаолиятидаги олий психик функцияларнинг ишга тушишини таъминлайди, ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқаришга ўргатади. Албатта, бу мураккаб ва машаққатли иш, шу сабабли бола китоб ўқишга нисбатан телевизор ва компьютер кўришни ёки уяли телефонда ўйнашни маъқул кўради, яъни ўзи учун осон йўлни танлайди.

Шу боис, ота-оналар мактабгача ёшдаги фарзандига ҳар кун кечаси эртақ ўқиб беришни одатга айлантириши лозим. Нафақат ўқиб бериш, балки биргаликда унинг мазмунини муҳокама қилиш, савол-жавоблар учун вақтларини аямасликлари шарт. Бу билан биз боланинг келажақда китоб ўқишга қизиқишини оширамиз, китобни севишга ва ҳурмат қилишга ўргатамиз.

Баъзан 3-4 ёшли бола ўзига олиб берилган китобдаги расмларни томоша қилиб, кейин уни йиртиб ташлайди. У аслида китобни йиртиш мумкин эмаслигини тушунмайди, чунки бунга уни ҳеч ким ўргатмаган. Бундай пайтда ота-оналар боласининг салбий ҳаракатига лоқайдлик билан қарамасдан, бетлари йиртилган китобни авайлаб, уни елимлаб, тузатиб қўйса, бу тарбия болага таъсир этади.

Бугунги кунда аксарият оилалар ўзларининг шахсий кутубхоналарига эга. Китобни сотиб олиш ва жавонларни тўлдирish албатта яхши одат, аммо шахсий кутубхонада қайта-қайта ўқиб чиқиладиган классик адабиётлар, айниқса, лугатлар, энциклопедик маълумотномалар, библиографик картотекалар бўлгани маъқул.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, инсон қувонганида, қийналганида, асабийлашганида ёки кайфияти яхши бўлганида ўзининг сеvimли асарларига қайта-қайта мурожаат қиларкан. Бу бежиз эмас. Чунки юксак маънавиятли одам ҳаммаша китобга эҳтиёж сезади, уни қайта-қайта ўқиб баҳра олади.

Ойгул УРУМБАЕВА,
педагогика фанлари номзоди,
Ахматийёв номидаги Нукус давлат педагогика институти доценти.

Паралимпия

Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида енгил атлетика бўйича паралимпиячилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 3 олтин ва 4 кумуш медални қўлга киритгани ҳақида аввал хабар берган эдик.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ
ТАНТАНАЛИ
КУТИБ ОЛИНДИ

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида 26 июль кун ушбу нуфузли мусобақа ғолиб ва совриндорларини кутиб олиш маросими бўлди. Шу муносабат билан бу ерга Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси ва жамоатчилик вакиллари, спортчиларнинг оила аъзолари ва яқинлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилди.

Тахрибали атлетимиз Хусниддин Норбеков диск отиш баҳсларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди, ядро улоқтириш баҳсларида кумуш медалга сазовор бўлди.

Чемпионатнинг узунликка сакраш баҳсларида Дониёр Солиев 7,18 метр натижа билан Осиё рекордини янгилаб, ғолибликни қўлга киритди.

Эркалар ўртасидаги найза улоқтириш баҳсларида иштирок этган Александр Свечников 71,01 метр натижа билан олтин медалга сазовор бўлиб, жаҳон рекордини янгилади. Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда Нозима Қаюмова кумуш медал билан тақдирланди.

Хотин-қизлар ўртасидаги ядро улоқтириш баҳсларида қатнашган яна бир атлетимиз Софья Бурхонова 14,76 метр натижа билан иккинчи ўринни эгаллади. У диск отиш баҳсларида ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, кумуш медални қўлга киритди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

Реклама



2017 йил 19 июлда

«Standard & Poor's»

халқаро рейтинг агентлиги

«ИПОТЕКА-БАНК»

акциядорлик тижорат ипотека банкининг

халқаро

рейтингларини тасдиқлади.

Рейтинглар истиқболи

«БАРҚАРОР»

Хизматлар лицензияланган.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !
«Асака» банк

2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қўйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

«МАНФААТЛИ-2017»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.



Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 13 турдаги қўлай шартларда омонат турларини тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз :

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

(+99871) 120-39-81 | 120-39-60 | 120-39-63



www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

«Асака» банк сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738

9319

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 20:43

Topshirilgan vaqt — 00:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

772010743008

1 2 3 4 6